

ТЕХНИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОРТТИРИШ УЧУН МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Мадаминова Дилноза Дилишодбек қизи
НамМҚИ стажёр ўқитувчи
Юнусалиева Чаросхон Абдуқодировна
Наманган шаҳар 22-мактаб ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим ҳамда касб-хунар мактабларида таълим олаётган талабалар дарс машғулотларини замонавий ўқитиш методидан фойланиш йўллари ёритилган.

Аннотация: В данной статье описаны способы использования современной методики обучения студентов, обучающихся в высших и профессиональных учебных заведениях.

Abstract: This article describes ways of using the modern teaching method for students studying in higher education and vocational schools.

Калит сўзлар: Олий таълим, касб-хунар, ўқитиш, даража, ўқитувчи, фикрлаш, техника, технологик жараён, двигател.

Ключевые слова: Высшее образование, профессия, преподавание, степень, преподаватель, мышление, техника, технологический процесс, двигатель.

Key words: Higher education, profession, teaching, degree, teacher, thinking, technique, technological process, engine.

Мамлакатимиздаги Олий ва касб-хунар таълими тизимида турган долзарб вазифалардан бири техник йўналишларда билим оладиган ўқувчи ва талабаларга фақатгина билим бериш ва амалий кўникмаларни шакллантириш билан чегараланмасдан уларни мустақил билим олиш, фикрлаш, ижодий изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиш ҳам ҳисобланади. Бундай вазифани самарали ҳал этишда муаммоли таълимни жорий этиш катта амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, техник фанларни ўқитиш таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил фикрлай олиш қобилиятларига қараб муаммоли вазиятларни юзага келтириш ва уни ҳал этишнинг тўрт хил даражаси мавжуд:

Биринчиси- ўқитувчи томонидан ўқув материални муаммоли баён этиш.

Иккинчиси- ўқитувчи томонидан муаммоли вазиятни юзага келтириш, уни ўқувчи талабалар билан ҳамкорликда ҳал этиш.

Учинчиси-ўқитувчи томонидан муаммоли вазиятни юзага келтириш, уни ўқувчи талабаларни мустақил фаолиятлари давомида ҳал этиш.

Тўртинчиси- ўқитувчидан олган маълумот асосида ўқувчи талабалар томонидан муаммоли вазиятни юзага келтириш ва ҳал этиш.

Муаммоли вазиятларни қуйидаги ҳолларда юзага келтириш мумкин:

-Технологик жараёни ундаги шароитларнинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишда (янги иш асбобларидан фойдаланилганда, меҳнатнинг янги илғор усулларига ўтилганда, технологик жараёнда бузилиш бўлганда);

- Асбоблар, қурилмалар, аппаратларда носозликлар юзага келганда ва уни бартараф этиш жараёнида;

Талабаларда техник фикрлаш ва ижодий фаолиятларни фаоллаштириш ўқитиш жараёнида муаммоли вазиятларни қўйиш ҳамда ҳал этиш орқали муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун кўникма ва малакаларни эгаллаш усуллари шундай берилиши керакки, ўқувчи талаба муаммоли вазиятга тушиб қолганда ўзининг билим ва кўникмаларини ҳаёлан тиклаши, уни ушбу вазиятда қўллаш олиши ҳамда уни таҳлил қилиб, тўғри натижани қабул қилиши керак.

Талабаларга топшириқ ва саволлар уларда бериладиган жавобларга қизиқиш уйғотадиган қилиб берилиши керак. Хар қандай ҳолда ҳам савол ва топшириқлар уларда қийинчилик туғдириши, лекин улардаги мавжуд билим ва фикрлаш қобилиятларига мос келиши лозим. Масалан, қишлоқ хўжалиги механизаторларини тайёрлаш йўналишида “Двигателлар” мавзусини ўқитишда ўқувчи талабаларни фаол фикрлашга ундовчи қуйидагича саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. Двигателни йиғиш ва териш тартибини ўзгартириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, нима учун?

2. Қандай ҳолларда ажратгич ишлатилади?

3. Подшипникларни ажратиш олдингиз. Уларни ишга яроқлилигини қандай аниқлаш мумкин?

4. Двигатель роторининг контакт халқасида қурум ҳосил бўлганини аниқладингиз. Чўтка ва халқанинг контакт қисмидаги электр ўтказувчанликка унинг қандай таъсири бор? Унинг пайдо бўлиши ва халқаларнинг қуйишига олиб келиши сабабларини тушинтиринг.

5. Двигателни ишлатиш жараёнида унинг кучли қизиши кузатилади. Бунинг асосий сабаблари нималардан иборат?

Хулоса қилиб айтганда, техник йўналишда ўқийдиган талабаларни ўқув жараёни даврида таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муаммоли ўқитиш усуллари аҳамияти катта. Чунки бу усул ўқувчи талабани изланишга, ижодкорликка, эркин фикрлашга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хожиев Б., Гориш Л. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш услуб ва воситалари. –Т. :2007.
2. К.Ишматов Педагогик технология. Ўқув қўлланма. Наманган. 2004 й.
3. Mashrapov, Q., Yoqubjanova, Y., Djurayeva, D., & Xasanboyev, I. (2022). THE ROLE OF CREDIT-MODULE SYSTEM IN DEVELOPMENT OF STUDENTS'SPECIALTIES IN TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(6), 332-336.
4. Khoshimjon, Y. S., Olimjonovich, M. K., & Ibrahim, H. (2022). Assessment of the seismic resistance of buildings and structures and methods of creating electronic technical passports. *Scientific Impulse*, 1(5), 163-166.
5. Olimjonovich, M. Q., & Umarjonovna, D. D. (2023). TEXNIK YO 'NALISHIDA TA'LIM OLAYOTGAN TALABALARNI KREDIT-MODUL TIZIMI SHARTLARI ASOSIDA O 'QITISH. *Scientific Impulse*, 1(9), 1506-1512.
6. Mashrapov, Q., & Xasanboyev, I. (2022). TEXNIK OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA BILIM OLAYOTGAN TALABALARNING O 'Z MUTAXASSISLIKLARI BO 'YICHA YETUK KADR BO 'LIB YETISHISHLARIDA KREDIT-MODUL TIZIMINING O 'RNI. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(6), 82-87.
7. Mashrapov, Q. O. (2021). HARBIY TALIM OQUV JARAYONIGA KREDIT-MODUL TIZIMINING KIRISHI. *Интернаука*, (19-6), 10-14.
8. Olimjonovich, M. Q. (2022, December). HARBIY FAKULTETLARDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA O 'QITISHNING KREDIT-MODUL TIZIMIDAN FOYDALANISH. In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 1, No. 3, pp. 200-210).
9. Mashrapov, Q. O. (2023). OZON QATLAMINING YEMIRILISHIGA SABAB BO 'LUVCHI OMILLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH YO 'LLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(3), 361-365.
10. Olimjonovich, M. Q., & Mirzanazarovich, K. I. (2022). USING THE CREDIT-MODULE SYSTEM OF TRAINING IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION IN MILITARY FACULTIES. *PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION*, 1(10).
11. Olimjonovich, M. Q. (2023). TEXNIK YO 'NALISHLARIDAGI OTMLARIDA KREDIT-MODUL TIZIMINI RIVOJLANTIRISH.
12. Olimjonovich, M. Q., & Civil, Y. Y. G. N. THE ROLE OF THE CREDIT-MODULE SYSTEM IN THE TRAINING OF" LABOR PROTECTION AND ENGINEERING SAFETY" SPECIALISTS IN TECHNICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS.